Ислом КАРИМОВ:

БИЗ ОДАМЛАРНИНГ ЭСКИЧА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ЎЗГАРТИРИБ, УЛАРДА ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРМОҒИМИЗ ЛОЗИМ. ШУНДАЙ БЎЛСИНКИ, ҲАР БИР КИШИ ИНСОН ЭРКИНЛИКЛАРИ — АЙНИ ВАҚТДА МУАЙЯН БУРЧ, МАЖБУРИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ ЭКАНЛИГИНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТИБ ТУРСИН.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
25 МАЙ
ПАЙШАНБА

№ 60 (25.610).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бугун, 25 май куни эрталаб соат 10^{00} да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари бугун, 25 май куни эрталаб 8^{30} дан 10^{00} га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинадилар.

ЭЛНИНГ НАЗАРИ

Бугун элнинг нигоҳи пойтахтдаги Олий Мажлисга қаратилган. Халқимиз ўз депутатлари олиб бораётган фаолиятини диққат билан кузатмоқда. Ҳар бир сессия мамлакат тарихи, миллат маънавияти учун муҳим бўлган жуда катта масалаларни ҳал этишга бағишланади.

Депутатлик халқ ишончи. Унинг ортида умидлар, тақдирлар турибди. Улар ўз депутатларини нуфузли минбарда гапиришларидан тортиб, қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларга бефарқ эмаслиги, унинг сессия ишидаги фаоллигигача кузатиб борадилар. Халқнинг теран нигоҳи барча нарсага ўз вақтида одилона баҳосини беради.

Парламент миллат келажаги ва бугуни учун муҳим бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Юрт ободлиги, миллат озодлиги мамлакатимиз иқтисодиёти, ташқи алоқалар, барча-барчаси учун жавобгарлик ҳисси билан фаолият олиб боради.

Кун тартибига қўйилган масалаларнинг ҳар бири долзарб.

Олий Мажлис депутатлари муҳокамасига киритилаётган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси тадбиркорларимиз учун яна янги-янги имкониятларни очиб бериши борасида қилинаётган ҳаракат.

Бугун битта ҳақиқат аён. Қонун доирасида фаолият кўрсатиш. Бой бўлишга интилиш фақат рағбатлантирилади. Тадбиркорлар ишига ноўрин аралашувлар эса давлатимиз томонидан назорат қилинади. Ушбу Қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юртдошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашларини кафолатлайди. Бу Қонун лойиҳаси халқимиз фаровонлиги йўлида энг муҳим қадам бўлиб қолади.

Сессияда муҳокама қилинадиган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари ва бошқа муҳим ҳужжатлар бутун халқимиз эътибор марказида турибди. Демак, биз бефарқ эмасмиз.

Президентимизнинг ҳар бир сессия минбаридан туриб қилган маърузалари XXI асрдаги миллат қиёфасини, маънавиятимизни, иқтисодиётимизни, давлатимизнинг ташқи сиёсат бобида тутган ўз йўлини кўрсатиб бермоқда.

Бугун барча юртдошларимиз ҳаяжонда. Сессия бошланади. Ҳар бир масала атрофида муҳокамалар, баҳслар бошланади. Депутатларимиз теранлик, ақл-идрок билан ўз фикрларини ўртага ташлайдилар.

Бир сўз билан айтганда, мазкур сессия ҳам халқимизни ойдин манзиллар томон элтишига ишонамиз.

Элнинг назари бу ёруғ оламдаги энг муқаддас, энг юксак туйғудир. Назардан қолишдан эса барчамизни Оллоҳ асрасин.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

Суратда: ЎзХДПдан сайланган Олий Мажлис депутатлари

ХДП ХАБАРИ

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

23 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Сиёсий ижроия қўмита иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муносабати билан ўз нуқтаи назарини белгилаб, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоларига тегишли тавсиялар берди.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг шу куниёқ бўлиб ўтган йиғилишида иккинчи чақириқ республика парламенти иккинчи сессиясида кўриб чиқиш учун таклиф этилаётган масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Фракция раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик шу ҳақда маруза қилди. Маърузачи ва музокараларда қатнашган депутатлар — Андижон вилояти Касаба уюшмалари кенгаши раиси А. Содиқов, Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиев, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори У. Ҳасанов парламентнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган долзарб масалалар ва улар юзасидан тақдим этилган лойиҳалар ҳақида ижобий фикр-мулоҳазалар билдириш билан бир қаторда, баъзи бир таклифлар киритдилар.

Йиғилишда, муҳокамалар якуни ва Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг шу ҳақидаги нуқтаи назари инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг таклиф қилинаётган кун тартиби ҳамда улар юзасидан тақдим этилган лойиҳаларни сессиянинг ўзида асосан маъқуллаш, шунингдек, уларнинг айримларига ўзгартиш, қўшимчалар киритишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди. Фракциянинг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича фикр-мулоҳазалари Олий Мажлис Котибиятига етказиб берилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МАТБУОТГА ЭЪТИБОР

— Жиноятчиликнинг олдини олиш, қонунлар бажарилишини таъминлаш, халқнинг ҳуқуқий ишончини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта, — деди Фарғона вилоят прокурори, адлия маслаҳатчиси Ю. Абдукаримов. — Омма орасига кириб боришимиз, уларга қонунларни тушунтириш, прокуратура идоралари амалга ошираётган тадбирлар ва уларнинг самарасидан хабардор қилишимиз, шубҳасиз, ижобий натижалар беради. Шу мақсадда вилоят прокуратураси оммавий ахборот воситалари журналистлари учун ҳар ойда матбуот конференциялари ташкил этмоқда.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Сўнгги қўнғироқ — **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ФЕРМЕРГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?»

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 28 март сонида чоп этилган «Фермерга ким ёрдам беради?» сарлавҳали мақоласи бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада баён этилган фактлар юзасидан Чимбой тумани прокуратураси текшириш ўтказиб, қуйидагиларни аниқлади. Чимбой МТП билан Чимбой туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси 1999 йил 2 февраль куни шартнома тузиб, унда 1999 йил 15 ноябргача уюшмага қарашли фермер хўжаликларининг 1200 га. шоли майдонлари ҳосилини ўриб бериши кўрсатилган. Аммо Чимбой МТП давлат ҳиссадорлик жамияти деҳқон-фермер хўжаликларига комбайнларни 1999 йилнинг 15 ноябридан кейин юборган. Натижада шартнома мажбуриятлари бузилган ва ўрим кечикиб кетган.

Шартнома шартлари бузилгани, туман прокуратураси томонидан Чимбой МТП давлат ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Б. Мамбетмуратов маъмурий жавобгарликка тортилди ва бошқа қонун бузиш ҳолларига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

Шунингдек, ўрим-йиғимда йўл қўйган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи К. Мақулбаевга ҳам камчиликлари учун огоҳлантириш берилди ва бу ишлар тўғрисида туман ҳокими М. Ерниязов номига тақдимнома юборилди.

■ **Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари М. АРЗИМБЕТОВ**

ЙИЛ ОЙ КУН

ИМКОНИЯТ

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Мухбиримиз **Алишер РЎЗИЕВ**нинг ёзишича, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Исроилнинг «El Al» авиакомпанияси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Чунончи, улар бир қатор янги келишувлар мажмуини, ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандум, Тошкент аэропортида «El Al» қатновларини ёнилғи билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш, самолётлар ижараси, 2000 йил ёзидаги шеринг тарифлар тўғрисидаги келишувларни имзоладилар. Янги келишувлар ҳар икки томон учун манфаатли бўлиб, ҳаво қатновларидан фойдаланиш ва тижорат харажатларини камайтиришга имкон беради.

СОҒЛОМ АВЛОД

СИГАРЕТА СОТИЛМАДИ ВА ЧЕКИЛМАДИ

Кеча Талабалар шаҳарчасида кун бўйи умуман сигарета сотилмади. Кечқурун шаҳарчадаги саҳнада катта концерт бўлди. Бу тантананинг ташаббускори Ўзбекистон телевидениеси ходимларидир. Айниқса, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, кашандаликка қарши турли хил суратлар кўргазмаси ёшларда катта таассурот қолдирди.

Бундай тадбирнинг аҳамияти катта.

МИЛЛАТ

ҒУРУР ПУЛГА ТОПИЛМАЙДИ

«Ўзбекистон овози» газетаси мухбири «Миллий ғурур деганда нимани тушунасиз?», дея савол берган радиожурналистга шундай деди:

—Ғурур пулга сотилмайди. Одамнинг ботинида бўлади.

— Аниқроғи?

— Масалан, эрталаб Ватан мадҳияси янграганда ўрнидан туриб сурур билан тингламаган, эти жимирламайдиган, юрт байроғини кўриб кўзи ёнмайдиган, керак бўлса, уни уйи деразасига осиб қўйиш даражасида бўлмаган одамда ғурур бўлмайди. Агар у ўз мадҳиясини билмаса, демак қул, кўр, кар, энг ёмони, қалбсиз, шуурсиз. Энди бу ёғини ўзингиз тушуниб олинг...

ТИНЧЛИК

ЧИРОҒИ ПОРЛОҚ КЎЧАЛАР



Кечаси Термиз — Тошкент магистралида пойтахтга келаётган мухбиримиз йўл четидаги чойхоналарни санади.

200 дан зиёд!

Чароғон, чироқлари ёниқ бу чойхоналардаги одамлар чеҳрасида хотиржамлик.

Мухбир ер юзининг ҳамма кўчалари бизнинг юртимиздагидай ёруғ ва файзли бўлишини истади.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади.**

ЗИЁРАТГОҲ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Буюк ипак йўлида жойлашган Олтинсой туманидаги Хўжа Ҳасан Илғорий зиёратгоҳи яқин-яқингача қаровсиз жой эди. Лекин, тарихга назар ташласак, бир неча ўн йиллардирки, бу зиёратгоҳга халқ ихлос қилиб келган.

Қадимда Карвонсарой ҳисобланган ушбу ҳудуд бугунга келиб ўз қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда. Шарқ меъморчилиги услубида қайта таъмирланаётган зиёратгоҳдаги қурилиш ишларини тумандаги механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари олиб боришмоқда. Унга «Олтинсой шароби» ҳиссадорлик жамияти ва тумандаги кўплаб мулкдор ва фермер хўжаликлари ҳомийлик қилишмоқда.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ПАРВОЗИНГ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Куни кеча А. Навоий номли Давлат Академик катта театрида Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби битирувчиларининг ҳисобот концерт-спектакли намойиши бўлиб ўтди.

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда битирувчилар томонидан ўзбек миллий рақсларидан «Тановар», «Муножот», «Лазги»лар ижро этилди. Шу билан биргаликда Ф. Шопеннинг «Шопениана», Минкуснинг «Пахита» балет рақслари ҳам ижро этилди. Бир сўз билан айтганда, бу кеча театр саҳнаси оппоқ кийимдаги кабутарлар билан тўлди.

■ **Шермат САНАЕВ**

ШАРТНОМА МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда шартномавий муносабатлар роли тўғрисида батафсил тўхталиб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омилларидан бўлган бозор муносабатларини шакллантиришда шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш, шартнома асосида иш юритишга ўтиш, шартномавий мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатларига тўлиқ ўтишимиз учун бу жуда зарур. Биз бугун хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни янги асосда, яъни ўзаро манфаатли бўлган шартномалар тузиш йўли билан амалга оширишимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Тузилаётган шартномаларда бозор шароитлари ўрганилган, томонларнинг манфаатлари кўзланган ва республика қонунларида белгиланган тартиблар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шуни ишонч билан айтишимиз жоизки, республикамизда бугунги кунда шартнома муносабатларига ўтиш бўйича қонуний ҳуқуқий асослар яратилган, тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, дейишга тўла асос бор. Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ва «Фуқаролик кодекси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, 1994 йил 29 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига контрактация шартномалари тузиш ва бажариш тартиби» тўғрисидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги қарори билан киритилган ўзгартиришларни айтишимиз мумкин.

Мазкур ҳужжатларда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинади. Хўжалик шартномаси тушунчаси, шартномавий муносабатларнинг асосий тамойиллари, хўжалик шартномаси субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартнома шартларини бузганлиги учун жавобгарлик тартиблари белгилаб қўйилган.

Контрактация шартномаси янги хўжалик йили бошланишидан икки ой олдин тузилади. Бу эса маҳсулот етиштирувчининг ҳам, сотиб олувчининг ҳам ишлаб чиқариш бизнес режаларини тузиш имкониятини яратади.

Тайёрловчи хўжаликка ваколатли вакилни юборгандан сўнг шартномаларни тузиш бевосита хўжаликларда амалга оширилади. Шартномалар томонларнинг келишувига кўра 1 йилдан 5 йилгача муддатга тузилади. Тайёрловчиларнинг вакили хўжаликка келган кундан бошлаб ёки шартнома лойиҳаси почта орқали олингандан кейин хўжалик 7 кун мобайнида шартномани имзолашга ва уни тайёрловчига қайтаришга мажбурдир. Агар шартнома шартлари бўйича хўжаликда эътирозлар пайдо бўлса, хўжалик худди ўша муддатда рози эмаслик баённомаси тузади ва шартномани, рози эмаслик баённомасининг икки нусхаси билан биргаликда тайёрловчига зудликда юборади.

Контрактация шартномаси унинг талабига жавоб бермаслиги очиқ-ойдин баённомада ёзилиши керак. Бу ҳақда маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспекциясига албатта маълум қилиши лозим. Тайёрловчи бу баённомани олгач, 5 кун мобайнида уни кўриб чиқишга, қабул қилинган таклифларни шартномага киритишга, низоли масалаларни эса худди ўша муддатда кўриб чиқиш учун тегишли бўлган хўжалик судига беришга ҳақлидир.

Шартномалар қоидага кўра, уч нусхада тузилади ва имзоланади. Томонлар имзо чеккан шартномани хўжалик рўйхатига олиш учун 3 кун муддатда маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясига тақдим этишга мажбурдир. Давлат томонидан белгиланган ҳажмларда назарда тутилмаган ва давлат буюртмасига кирмаган маҳсулотларга тузилган шартномалар ҳам маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясида албатта рўйхатга олиниши керак.

Шартнома шартлари бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Шартномани бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида таклиф олган томон 5 кундан кечикмай жавоб беришни амалга оширади. Акси бўлса, таклиф қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг уч кундан кечиктирилмай, агар тайёрловчи ва унга хизмат кўрсатувчи банк муассасаси жойлашган бўлса алоқа шарт-шароитларини ҳисобга олиб беш кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

Маҳсулотларни шартномада белгиланган турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади. Шунингдек, маҳсулотни шартномада белгиланган турларда, муддатларда бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиш рад этилса тайёрловчи хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспекцияси томонидан маҳсулот сифати, миқдорини нотўғри аниқлаш, қабул қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига нотўғри ҳақ тўлаш ҳоллари аниқланса, тайёрловчи хўжаликка тўланмаган сўммани ва унга қўшимча яна ўша 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Хўжаликнинг стандарт талаблари ва техник шартларига жавоб берадиган идиш ва ўраш материаллари билан маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда таъминланмаганлиги учун тайёрловчи хўжаликка ўз вақтида етказиб берилмаган идиш, мих ва ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди. Тайёрловчи хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги учун маҳсулот сифати пасайса ёки маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрловчи кўрсатилган жаримадан ташқари, хўжаликка кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди.

Бу борада хўжаликлар билан тайёрловчилар ўртасида контрактация шартномалари тузиш ва уни бажаришда айниқса, маҳсулотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекторларининг роли ниҳоятда катта.

Айрим хўжалик раҳбарларининг бепарволиги, контрактация шартномалари моҳиятини тушуниб етмаслик ҳоллари учраб турибди. Оқибатида, баъзи тайёрлов идоралари ва қайта ишлаш корхоналари контрактация шартномаларини тузиш ва бажаришда ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда иш тутмоқда. Бунинг натижасида улар билан шартнома тузган хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга солиб қўймоқда. Биргина мисол, Хоразм вилоятида «Хоразм шакар» корхонаси 1999 йил мавсуми давомида ҳисоб рақамида маблағи бўла туриб, вилоятнинг 19 та хўжалигига тузилган контрактация шартномаларига асосан топширилган қанд лавлаги маҳсулоти учун 121,0 миллион сўмни белгиланган муддатда тўламаган. Аниқланган ҳолат бўйича корхонага 35 миллион сўмлик жарима ва устама ҳақ қўлланилди. Тўпланган материаллар хўжалик судига оширилди. Хўжалик судининг қарори билан тўланмаган 121,0 миллион сўм ва 35 миллион сўмлик жарима, жами 156,0 миллион сўм хўжаликларга ундириб берилди. Оқибатда корхона ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрди.

Хўжалик шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун фақат табиий офатлар ва бошқа ноқулай шароитлар туфайли бажаролмаганлиги ҳақида маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси хулосаси бўлган тақдирдагина, жавобгарликдан озод этилади. Шартномада иккала томоннинг келишувига кўра, мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун амалда қонунчиликка зид бўлмаган бошқача жазо чоралари назарда тутилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, контрактация шартномаси амалдаги қонунлар асосида тузилиши ва унинг бажарилиши эса иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг гарови ҳисобланади.

■ **Риҳсибой АҲМЕДОВ,**
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича Бош Давлат инспекцияси бўлим бошлиғи

Тўрақўрғон туманидаги Ибрат номли жамоа хўжалиги пиллакорлари жорий йилда 42 тонна пилла етиштириш учун самарали меҳнат қилишмоқдалар. Хўжаликда 800 қути ипак қурти 593 хонадонда парваришланиб, айни кунларда бирин-кетин режани уддалашмоқда. Илғор пиллакор Маҳбубахон ая Икромова 30 йилдан буён ипак қурти парваришлаб, мўл ҳосил етиштириб келади. Маҳбубахон аянинг бу йилги аҳди 180-200 килограмм пилла етиштиришдир.

■ **Пўлатжон АКБАРОВ олган сурат**

МЕҲНАТНИНГ ХУМОРИ

Чортоқ туманидаги «Фарғона» ширкат хўжалиги пиллачилари зафарнома битишди. Бу меҳнатда Қория Меҳмонова, Мухтарам Йўлдошева, Ҳайитхон Шарипова, Шарифбой Раҳимов каби илғор пиллачиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ёруғ юзлилар хўжалигида жами 280 қути ипак қурти парваришланиб, 16 тоннадан зиёд пилла топширилди. Шартномага қўшимча топшириқ ҳам уддаланди. Абдулбоқи Парпиев, Дилбархон Иномовалар етакчилик қилган бригадаларда ҳар қути уруғ ҳосилдорлиги 75-80 килограммданга тўғри келди.

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати, партиядошимиз Абдумўмин Расулов пиллачилик билан пешма-пеш арпа ўрими ҳам бошланаётганини қувонч билан маълум қилди.

— Ишласанг, ишингга яраша натижага эришсанг, яхши сўз эшитсанг, меҳнатнинг ҳумори тутаверар экан, — дейди раис.



■ **Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

ҚИЗИҚАРЛИ КЎРИК-ТАНЛОВ

Шайхонтоҳур туман партия кенгаши ҳомийлигида Тошкент шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт билим юртида соғлом авлод йилига бағишлаб учинчи бор педиатрларнинг вилоятлараро «Моҳир устоз» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларидаги тиббиёт билим юртларидан олти жамоа қатнашди.

Кўрик-танлов 6 турдан иборат бўлиб, унда «саломлашув», «Муолажаларни бажариш», «Маънавият-маърифат», «Сардорлар беллашуви» ва «Уйга вазифа» мавзулари ўрин олган эди.

Кўрик-танловда биринчи ўринни Тошкент шаҳар Й. Охунбобоев номли тиббиёт билим юртининг «Онаизор» командаси, иккинчи ўринни Гулистон тиббиёт билим юртининг «Фидойи», учинчи ўринни эса Ғаллаорол тиббиёт билим юртининг «Болажон» жамоаси эгаллади.

Биринчи ўринни эгаллаган «Онаизор» жамоаси сардори, ХДП аъзоси Моҳира Камоловага бош соврин топширилди. Кўрик-танлов қатнашчиларининг барча аъзоларига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори билан олий тоифали педиатр даражаси берилди. Бундай кўрик-танловни келгуси йилда ҳам ўтказиш режалаб олинди.

■ **Бозорбой ҒОЙИБОВ,**
Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши котиби.

УЧ ТУМАН МАРРАГА ЕТДИ

Сурхондарё вилоятининг бир йўла уч тумани — Шеробод, Қумқўрғон ва Термиз туманлари пилла тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Шерободликлар 89 тонна, қумқўрғонликлар 110 тонна, термизликлар эса 98 тонна сифатли саноат хомашёси топширди.

ЭЛЧИХОНАНИНГ УНИВЕРС ИТЕТГА СОВҒАСИ

Маълумки, қадимий ва кўҳна Бухородан етишиб чиққан кўплаб алломалар ўз асарларини араб тилида ёзганлар. Бу қўлёзмаларнинг аксарияти шу боис араб мамлакатлари кутубхоналарида эъзозланиб сақланяптики, у Ўзбекистон тарихини, унинг халқи бебаҳо илмий меросини ўрганиш олимлар, тадқиқотчилар, қолаверса талабаларни мазкур тилни мукаммал ўрганишга даъват этаяпти.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Мамдуҳ Шавқийнинг Бухоро давлат университети тарихгеография факультети талабалари, профессор-ўқитувчилари ҳузурида бўлишидан мақсад ҳам ёшларни араб тилини ўрганишга кўмаклашиш эди. Шу боис университетда элчихона ташаббуси билан араб тилини ўрганиш маркази очилди. Унда араб тилини ўрганиш бўйича адабиётлар, услубий қўлланмалар, луғатлар, энг замонавий аудио ва видео ускуналар жой олган.

Сўзга чиққан элчи жаноблари МАР ва Ўзбекистон ўртасидаги қадимий алоқалар, таълим соҳасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бораётганини қониқиш билан таъкидлаб, университет ёшларига араб тилини ўрганишда муваффақиятлар тилади. Шуни таъкидлаш керакки, бу марказнинг ташкил этилиши билим даргоҳида араб тили бўлимини қайтадан очишга имконият яратади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

БАЛИҚЧИЛИК

Етти хазинанинг бари

Қадим ривоятларда айтилишича, йилларнинг бир хиллигидан зериккан мавжудотлар норозилик билдиришибди. Шунда тангри йилларни турфа хил қилиш учун ҳайвонларни ўз ҳузурига чорлайди. Биринчи бўлиб келган сичқонга мучалнинг биринчи йили насиб этибди. Ундан кейин сигир, йўлбарс, борингки 12 ҳайвон ташриф буюради. Шундан буён мучаллар 12 та ҳайвон номи билан аталиб, йиллар ҳам ҳайвонлар характерига мос равишда турли-туман бўлибди, турли мучал йилида туғилган инсонларнинг хулқ-атворида ҳам бетакрорлик бўларкан.

Бу йил — балиқ мучали йили тўкин-сочинлик, ҳур фикрлилик йили бўлади. Балиқни қадимқадимдан етти хазинанинг бири, луқмаи ҳалол дея, атайдилар. Момоларимиз-боболаримиз, «Агар алоқ-чалоқ туш кўрсанг, балиқ егин болам, тушинг ўнгланади», дейдилар.

Ҳа, балиқ тўйимли ва парҳезбоп таом ҳисобланади. Балиқ есангиз ҳалқумингиз тозаланади дея фикр билдирадилар шифокорларимиз. Балиқ маҳсулотларида ёғ, витаминлар мавжуд бўлиб, буқоқ, камқонлик касалликларини олдини олади. Ҳомиладор аёл бир бора тўйиб балиқ тановвул қилса, туғилажак фарзандининг ақлан, руҳан соғлом бўлиши учун замин яратади. Балиқнинг калорияси товуқ тухуми калорияси билан тенг. Балиқ қайнатиб, қовуриб, дудлаб, тузлаб ёки консервалаб истеъмол қилинади. Бир сўз билан айтганда балиқ дастурхонимиз безагидир.

Қизимнинг туғилган кунида тоғаси аквариумда балиқ совға қилди. Аквариумдаги балиқларни кўриб қизимнинг шодланганини кўрсангиз эди. Қизим мактабдан келиб, бўш қолди дегунча балиқчалар атрофида парвона бўлади. Қиш кунларида қизим қаттиқ иситмалаб ётиб қолди. На овқат ейди, на бош кўтариб, кўз очади. Мен аквариумдаги балиқларни унинг рўпарасига келтириб қўйдим. Шифокорлар муолажаси билан ҳам кўз очмаган қизим, балиқларни жилвасини соатлаб кузатадиган, озуқасини бериш учун ўрнидан турадиган бўлди ва қисқа муддатда соғлиги тикланиб кетди. Шундагина мен раҳматли дадамнинг балиқни томоша қилган одамнинг юрагида дард бўлмайди, бирор нарсадан сиқилиб қолсанг балиққа тикил, сиқилишинг тарқалиб кетади, деган сўзларини эсладим.

Ҳа, тўғри, қадрли эркакларимизга балиқ ови ҳақида гап очсангиз дам олиш кунида уйига телевизорни тузатиш учун уста чақиргани-ю, рўзғорга керакли зарурий нарсаларни бозордан харид қилиш кераклигини ҳам унутиб балиқ овига шошадилар. Чунки бунинг ўзгача гашти, ўзгача таровати бор. Мутахассислар айтишича, балиқ овлаш пайтида балиқни қармоқдан тортиб олингунга қадар инсон юраги уришдан тўхтар экан, яъни толиққан юрак дам олар экан. Шунинг учун кўпинча асаб ва юрак касаллигига чалинган беморларга шифокорлар балиқ овига боришни маслаҳат берадилар.

Мен ўзим ҳам балиқни жуда яхши кўраман. Шунинг учун бошқа бировлар чўчиб, ҳадиксирайдиган ишларга дадил, қўрқмасдан қўл уриб, балиқчиликни, ўрдакчиликни, ўрмончиликни ривожлантиришга жазм этдим. 2 йил давомида бор мол-мулкимни сарфлаб, ҳатто яшаб турган уйимни сотиб пулини ўша ижарага олганим — Охунбобоев тумани «Намуна» жамоа хўжалигининг чўл ҳудудидаги ташландиқ кўлни, умуман ўша 6 гектар қаровсиз ҳолатдаги ерни обод қилишни, у ерда «Маърифатчилар оромгоҳи» ташкил этишни ният қилиб анча иш қилдим. Ўтган йили Кўқон ўрмон хўжалиги раҳбари, ажойиб инсон Мансурхўжа Хўжаев менинг ниятларимни эшитиб, қўллашга қарор қилди ва 2000 туп терак, юзлаб мевали дарахт кўчатларини берди. Бугунги кунда 3000 тупдан зиёд терак, юзлаб тол ва мевали дарахтлар ўсаяпти.

Мен бу ишларимни юритиш учун вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, доцент. Қурбонов Турсунали билан ҳамкорлик қилиш юзасидан суҳбатлашдим. Бир неча маротаба биргаликда балиқ кўлига бориб келдик. У киши ҳамкорлик қилишга рози бўлдилар.

— Қувасой шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли ишлаб чиқариш бўлими ихтиёрига «Беҳизор» жамоа хўжалигига қарашли ташландиқ ердан 2,5 гектарини 10 йил муддатга ижарага олиб, ишлаб чиқаришдан топилган маблағ ҳисобидан 2 гектари балиқ боқиш учун ҳовуз қилинди, сув тўлдирилиб, апрель, май ойларида Наманган балиқчилик ҳиссадорлик жамиятидан балиқ уруғи олиб келинди. 2 тоннадан ортиқ сазан балиғи арзон нархда шаҳардаги болалар боғчаларга, мактабларга тарқатилди, — дейди, Турсунали Қурбонов.

Бундан ташқари, Таълим ҳақидаги қонунда халқ таълими ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар олиш мумкинлиги ҳақида ёзилган. Шунга кўра, Қувасой шаҳар молия бўлимидан Халқ таълими линиясининг тежаб қолинган маблағлари ҳисобидан 350.0 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит пули олинди. Бу маблағнинг 300.0 минг сўмига ҳар донаси 300 сўмдан 1000 дона ўрдак боласи сотиб олинди. 3 ойлик боқувдан сўнг ўрдак гўшти сотувга чиқарилганда ҳар бир ўрдак 3-3.5 кг.дан гўшт қилгани маълум бўлди. Пархез таом ўрдак гўшти ҳам мактаблар, боғчаларга арзон нархларда сотилмоқда. Ўрдакларнинг патларидан эса болалар боғчалари учун пар болишлар тикилмоқда.

Балиқ ва ўрдак боқишда, озуқа билан таъминлашда ҳам унчалик қийинчилик сезилмади, яъни 2 гектар ерга эртанги қора писта экилиб, балиқ ва ўрдакка берилди.

Соғлом авлод — ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиши керак. Ўрта Осиё шароитида балиқ маҳсулотлари етиштириш етарли эмас, ёш авлоднинг соғлом бўлиши учун ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган инсонлар, мутасадди раҳбарлар ташландиқ ерларга сунъий кўллар ташкил этиб, балиқ етиштиришга ҳисса қўшсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

■ **Мўътабар ТОЖИБОЕВА,**
тадбиркор

ХДП ХАБАРИ

САРКОТИБ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ургут туман кенгашининг навбатдан ташқари пленумида ташкилий масала кўрилди. Олим Ҳошимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди. Кенгаш партия ташкилотчиси вазифасида ишлаётган Нормаҳмат Муродиллаев ХДП Ургут туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ургут тумани ҳокими Холмуҳаммат Нуруллаев, ХДП Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби Раҳмонқул Ҳамроқуловлар қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

АДАШЛАР

Адашлар — таниқли киноактёр Хожиакбар Нурматов ва пойтахтнинг Миробод тумани 154-ўрта мактаб ўқувчиси Хожиакбар Нурматовлар ўқув мавсуми тугалланаётган бир даврда учрашдилар. Ёш Хожиакбар 3-синфни «аъло» баҳоларга тугаллаб, адашидек иқтидорли актёр бўлиш орзусида улғаймоқда.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1997 ЙИЛ

21 май. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти «Чўлпон: атоқли ёзувчи ва жамоат арбоби» мавзуига бағишланди. Унда таниқли адабиётшунос, ЎзФА Алишер Навоий номидаги адабиёт институтининг бўлим мудири, Беруний номидаги давлат мукофотининг соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов маъруза қилди.

10 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. У «Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби: таҳлиллар, хулосалар, қоидалар ҳамда вазифалар» мавзуига бағишланди.

3 июль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти «ХДП ташкилотларининг республика Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини партия аъзолари томонидан ўрганишни уюштириш ва унинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда иштирок этишларига доир вазифалари тўғрисида»ги қарори қабул қилингани ҳақидаги хабар матбуотда чоп этилди.

10 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг 6 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда партия ташкилотларининг иштирокига доир тадбирлар режаси тасдиқланди.

15 июль. Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ Наманганда Ўзбекистон ХДП Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

21 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ ўтказилаётган минтақавий семинар-кенгашларининг навбатдагиси Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Унинг ишида республикамиз пойтахти, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари шаҳар ва туман партия кенгашларининг биринчи котиблари иштирок этдилар.

8 август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида АҚШ давлат департаментининг Ўзбекистон бўйича бўлим бошлиғи Лоуренс Конналл билан учрашув бўлиб ўтди.

(Давоми бор).

«ДАЙНЭМИКС МИКС — 2000» МАШҚЛАРИ БОШЛАНДИ

Грециядa НАТОнинг Жануби-шарқий Европадаги ҳарбий-ҳаво қўшинлари «Дайнэмикс Микс — 2000» ҳарбий машқларини бошлади. Унда етти мамлакатнинг юз элликка яқин самолёти иштирок этмоқда.

Қуруқликдаги қўшинларнинг машқлари 1 июнь куни бошланади. Унда илк бор Туркия денгиз пиёдаси қўшинларидан 150 киши қатнашади. 10 июнгача давом этадиган ҳарбий машқларда жами 15 минг ҳарбий хизматчи иштирок этиши кўзда тутилган.

МАҲБУСЛАРГА АФВ

Дубай қамоқхоналари бангилардан холи қоладиган бўлди. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати 500 нафар гиёҳванд модда истеъмол қилувчи маҳбусга нисбатан афв эълон қилди. Уларнинг уч юз нафари чет эллик бўлгани боис мамлакатдан чиқариб юборилади. Уларнинг тақдири нима бўлиши номаълум, лекин ўз фуқаролари бўлмиш маҳбусларга давлат даволаниш учун шарт-шароит яратиб беради.

ТОЛИБЛАР ЯНА ҲУЖУМ БОШЛАДИ

Афғонистонда «Толибон» ҳаракати ва Шимолий иттифоқ кучлари ўртасида яна жанглар бошланди. Толиблар 10 майдаги вақтинчалик ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги ўзаро келишувни бузиб, Шимолий иттифоқ кучларига ҳужум уюштирди. Айни пайтда толиблар самолётлар билан Тоҳар вилоятини бомбордимон қилмоқда. Тинч аҳоли ўртасида қурбон бўлаётганлар кўп.

МАРС МАНЗАРАЛАРИ ИНТЕРНЕТДА

АҚШ фазовий тадқиқотлар агентлиги (НАСА) яна бир хайрли ишга қўл урди. У Марс сайёраси билан боғлиқ йигирма мингдан ортиқ фотосуратни Интернет тармоғига киритди.

Марс манзаралари «Марс глоубал сервейор» станцияси томонидан суратга олинган.

АВИАҲАЛОКАТ

Анголанинг «Кассаи эйр» авиакомпаниясига қарашли «Ан-12» юк самолёти мамлакат шимолидаги Дунду шаҳри аэропортига қўнаётган пайтда ҳалокатга учради. Луандадан хабар берилишича, ҳеч ким ҳалок бўлмаган. Маълум бўлишича, самолётга керагидан ортиқ миқдорда юк ортилгани ҳалокатга сабаб бўлган.

«ҲЕРБАЛАЙФ» АСОСЧИСИ ВАФОТ ЭТДИ

Америкалик тадбиркор, дунёга машҳур «Ҳербалайф» компанияси асосчиси Марк Рейнольдс Ҳьюз 44 ёшида вафот этди. Мазкур компания дунёнинг 44 мамлакатида ўзининг семиришга қарши ишлатиладиган доридармонлари савдосини йўлга қўйган эди.

«ШКОДА» СОТИЛДИ

Германиянинг «Фольксваген» концерни Чехиянинг «Шкода» автомобиль ишлаб чиқарадиган корхонасини сотиб олди. Хабарларга қараганда, «Фольксваген» концерни «Шкода» акцияларининг 70 фоизига эгалик қилади. Баҳоси 650 миллион немис маркасига тенг қолган акциялар Чехия ҳукуматига тегишли бўлиб қолади.

УЧИНЧИ АНЖУМАН

Гаванада АҚШ ва Куба биродарлашган шаҳарлари уюшмасининг учинчи анжумани очилди. Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад, икки томонлама алоқаларни юқори босқичга кўтаришдир. Анжуманда ҳар икки томондан юздан ортиқ талаба ва Куба ҳукумати вакиллари қатнашмоқда.

ДУНЁГА ХАВФ

ҲАЛОКАТ ЖАРИ

ёхуд оғу ортидан бойиш

Инсоният XXI асрга тобора яқинлашиб борар экан, экстремизм, фундаментализм, халқаро террорчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний тарқалиши унга катта хавф солмоқда. Аввалларида террорчилик ҳаракатлари маълум бир кишиларга, айниқса давлат раҳбарларига қарши уюштириладиган бўлса, ҳозирга келиб бу омил бутун бир давлатларга, жамиятларга таҳдид солаётир. Албатта, халқаро терроризм, экстремизмнинг тарқалишига биринчи навбатда наркотик моддалар сабабчи бўлаётир. Чунки гиёҳванд моддалардан келадиган фойда террористик гуруҳларнинг ўз ниятларини амалга оширишда муҳим бир воситадир. Бугунги кунда гиёҳванд моддаларни етиштиришда ва уни ноқонуний йўллар билан олиб чиқишда Осиё минтақасида Афғонистонга, Америка қитъасида Колумбияга тенглашадиган давлат йўқ. Айниқса, Афғонистон шу бугунги кунда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уни ноқонуний равишда тарқатишда жаҳонда етакчилик қилади. 20 йилдан бери давом этаётган тинимсиз уруш ҳаракатлари шундоқ ҳам оғир бўлган Афғонистон иқтисодиётини деярли вайрон қилди. 200 минг гектардан ортиқ экин экиладиган ерлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Миллионлаб чорва ҳайвонлари нобуд бўлди. Ирригацион тармоқлар портлатилди. Юзлаб километр йўллар, энергетик тузилмалар, ўнлаб саноат корхоналари ишдан чиқди. Мамлакат қўплаб мутахассисларидан жудо бўлди. Толиблар сиёсати туфайли наркобизнесга алоҳида эътибор бериш бошланди. 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб опиум экиладиган экин майдонлари кенгаймоқда. Опиум ва героин ишлаб чиқариш кўпайди. Шу сабабли Афғонистон бугунги кунда Бирма, Лаос, Таиланд, Колумбия ва Покистонни бу кўрсаткичлар бўйича қувиб ўтди. Расмий маълумотлар кишини ҳайратга солади. 1996 йилнинг ўзидаёқ толибон расмийлари наркотик моддалар етиштириладиган майдонларни 33 фоизга кўпайтиришган бўлиб, опиум етиштириладиган худудларнинг 96 фоизини назорат қилишарди. Аста-секин 1999 йилга келиб, Афғонистоннинг толиблар томонидан эгалланган қисмида опиум етиштирадиган экин майдонлари 43 фоизга, яъни 64 минг гектардан 91 минг гектарга етди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик воситалар устидан назорат қилувчи Халқаро дастурининг маълумотларига қараганда, жаҳон бозорида Афғонистоннинг героин савдосидаги ҳиссаси 40 фоиздан 75 фоизгача ўсди. Турли маълумотларга кўра, ўтган йили 4 минг 600 дан 4 минг 950 тоннагача опиум хомашё ишлаб чиқарилди. Наркотиклар савдосига қарши курашувчи мутахассислар Афғонистонда етиштирилган опиум ҳосилининг учдан икки қисмига яқини қўшни мамлакатлари чегаралари яқинида жойлашган корхоналарда қайта ишланаётганини қайд қилишмоқда. Худди шу ерда героин ва опиум хомашёси наркотик воситачилар томонидан жаҳон бозорига олиб чиқилмоқда. Наркотикларнинг бир қисми турли хил йўллар билан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Россия Федерациясига, у ердан Украина, Белорус, Молдова, Болтиқбўйи мамлакатлари ва ўз навбатида Шарқий ва Ғарбий Европага келтирилмоқда. Наркотикларнинг яна бир қисми бошқа йўллар орқали Европа, Кавказ ва Россияга келтирилаётир. Жанубий йўналиш бўйлаб эса Афғонистонда етиштирилган наркотик моддалар Форс кўрфазига келтирилади. Наркотиклар контрабандаси ўз навбатида бутун Афғонистон бўйлаб хавфли нуқталарни вужудга келтираётир.

Хориж матбуотининг хабарига қараганда, фақат 1999 йилнинг ўзида Афғонистон билан чегарадош минтақаларда юзлаб контрабандачилар йўқ қилинган. Уларнинг кўплаб яширин базалари ишғол этилмаган. Улар билан олиб борилган жангларда юзлаб ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлишди. Британия манбалари гиёҳванд моддалар савдоси толибларнинг асосий молиявий манбаи деб таъкидламоқда. Бироқ наркотик моддалар толиблар учун мавқени сақлаб қолиш, қурол-яроғ сотиб олиш, террористлар тайёрлашдаги асосий манбадир. Хуллас, дунёни оғу оғушида чўктирмоқчи бўлган гуруҳлар бутун инсоният ҳаётига, келажакка таҳдид солмоқда. Одам боласи учун бундан ўзга ёвузлик бўлмаса керак.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ, Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**



Хитой. Аомэня шаҳри кўчалари

РЕФЕРЕНДУМ НАТИЖА БЕРМАДИ

Италияда сайлов тизимини ўзгартириш борасида ўтказилган референдум яна кутилган натижани бермагач, президент Карло Адзельо Чампи мамлакатдаги сиёсий арбобларга бу борада биргаликда иш юритишни таклиф қилди. Якшанба кунги референдумда етарли миқдорда одам қатнашмагани боис, у расман бўлиб ўтмади, деб ҳисобланмоқда. Бу барбод бўлган иккинчи референдумдир. Энди президент янги, барқарор ҳукуматни вужудга келтириш имконини берадиган ҳар қандай ташаббусни имкон борича қўллаб-қувватлашини айтяпти.

Италияда сайлов тизими жуда мураккаб. Масалан, парламент сайловида фақат мутлақ кўп овоз олгангина эмас, маълум миқдордан ошиқ овоз тўплаган номзод ҳам депутат бўлиб кетаверади. Бу парламент томонидан тузиладиган ҳукуматнинг жуда ранг-баранг ва охир-оқибат бекарор бўлишига олиб келади. Чунки, қарама-қарши фикрлар кўпайиб кетиб, сиёсий инқироз юзага келади. Бундай инқирозлар одатда ҳукуматнинг истеъфога чиқиши билан якунланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Италияда 58 марта ҳукумат ўзгарганининг асосий сабаби шунда.

(ЎзА)

ТАШРИФ

ФОРТЕПИАНО МУСИҚАСИ КЕЧАСИ

Жанубий кореялик пианиночи Кан Су Еннинг номи кўпчиликка маълум. Марказий Осиё, Шарқ ва Европа хотин-қизлари ҳамдўстлигининг байналмилал жамоатчилик бўлими таклифига кўра у Ўзбекистонга ҳам ташриф буюриб, қатор концертлар берди. Айниқса, Тошкент давлат консерваториясининг симфоник оркестри иштирокидаги концерти тингловчилар олқишига сазовор бўлди.

Кореялик санъаткор, шунингдек, Самарқандда бўлиб, хайрия концертларини ҳам берди. Ўзбек тингловчиларининг самимий қабулидан руҳланган ижодкор шу йил кузида мамлакатимизга янги дастур билан келишини ваъда қилди. Янги дастурда жаҳон классикаси ва ўзбек бастакорларининг асарлари кенг ўрин олади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея санъат арбоблари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик кўпригини ўрнатишда Марказий Осиё, Шарқ ва Европа хотин-қизлари ҳамдўстлигининг Самарқанд бўлими, вилоят ҳокимлиги ва Самарқанд опера театрининг маъмурияти қатнашдилар.

■ **П. БОРИСОВ**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — ИНСОНПАРВАРЛИК ДЕМАК

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг Навоий вилоят бўлинмаси аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Пенсия жамғармасининг асосий иш йўналишларидан бири вилоятдаги пенсия ва нафақа олувчиларни ўз вақтида пул билан таъминлашдир. Шунингдек, белгиланган тарифлар асосида ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг иш ҳақи фонди ҳисобидан 37,3 фоиз ажратма, фуқароларнинг ойлик иш ҳақидан 2,5 фоизли мажбурий суғурта бадаллари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан 0,5 фоизли суғурта тўловлари ҳамда жамғарма маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнатга лаёқатсиз пайтда, ҳомиладорлик учун ва бола туғилганда бир йўла тўланадиган нафақалар тўловини назорат қилади.

Бундан ташқари ижтимоий таъминот идоралари ходимлари томонидан тайинланган ва қайта ҳисобланган пенсия ҳамда нафақаларнинг тўғри ё нотўғрилигини текшириб, ижтимоий таъминот бўлим ва бошқармалари томонидан ҳар ойда тавсия қилинадиган талабномалар асосида пенсия ва нафақа тўловларини белгиланган муддатда молиялаштириб боришдан иборатдир. Вилоят пенсия жамғармаси таркибига кирувчи 11 та шаҳар ва туман бўлимларида 71 ходим фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Вилоятимизда 87301 нафар пенсия ва нафақа олувчилар мавжуд бўлиб, уларнинг бир ойлик пенсия пули миқдори 517,0 млн. сўмни ташкил этади. 1999 йил якуни бўйича вилоят ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган талабномага кўра 5139,3 млн. сўм пенсия тўлови учун молиялаштирилиши керак эди. Соҳа ходимлари режадаги маблағни юз фоизга ўз вақтида молиялаштиришга эришиб, яна 3530,0 млн. сўм маблағни республика Пенсия жамғармасига кўчириб беришга муваффақ бўлишди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Азамат Ҳайдаров.

Вилоят Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳамид Мусурмоновнинг айтишича, жамғарма ходимлари ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан берилаётган талабномаларга асосан ҳар ойнинг 5-кунигача пенсия ва нафақа тўловлари учун керакли бўлган маблағни почта алоқа тармоқларига ўз вақтида ўтказиб бермоқдалар.

Жамғарма 2000 йил I чорагида суғурта бадалларини йиғиш режасини 3096,0 млн. сўм ўрнига 3202,4 млн сўмга бажарди. Бу кўрсаткич 103 фоизни ташкил этади. Режа ортиғи билан бажарилишида Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Конимех, Қизилтепа Хатирчи туманлари катта ҳисса қўшдилар.

Ходимлар солиқчилар билан ҳамкорликда иш юритиб жойлардаги корхона ва ташкилотларда белгиланган муддатларда текширишлар олиб бориб, бир неча қонун бузилиши ҳоллларини ҳам аниқладилар. Масалан, жорий йилнинг I чорагида 254 та ташкилотни текшириш натижасида яширилган иш ҳақи 1737,7 минг сўм, ҳисобга олинмаган харажатлар 590,0 минг сўм эканлиги ва бу суммалардан тўловлар ўз вақтида кўчириб берилмагани аниқланди. Мазкур иш учун айбдор корхоналарга 10,5 минг сўм жарима солиниб, Пенсия жамғармаси ҳисобига товон пуллари билан қўшиб 79317,9 минг сўм тушириди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 47-сонли қарорига асосан юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва улардан Пенсия жамғармасига бадаллар ундириш бўйича ҳам бир қанча ишлар қилинмоқда. Жумладан, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 1877 та жисмоний шахс рўйхатдан ўтказилиб, улардан 3095,7 минг сўм суғурта бадали ундирилгани юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Қисқаси, халқни ижтимоий ҳимоялаш борасида чиқарилган ҳукумат қарорларининг Навоий вилоятида бажарилиши юзасидан олиб бориладиган ишлар таҳсинга арзигулик.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Июнь ойининг дастлабки ўн кунлигида мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари бўйлаб ўзига хос мотопойга ўтади. Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ана шу тадбир ташкилотчилари — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Люфтганза/Кондор Карго Техник» авиакомпаниялари вакиллари бўлажак пойга ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. «Ипак йўли бўйлаб асрлар қаъридан учинчи минг йилликка» деб номланган қўшма нотижорат лойиҳасида жаҳонга машҳур «Харлей Дэвидсон», «Кавасаки» ва бошқа компанияларнинг мотовоситалари қатнашади. Тадбирдан тушган маблағлар республикамиздаги «Меҳрибонлик уй»лари эҳтиёжларига берилади. Дарвоқе, хайрия тадбирида истаган киши қатнашиши мумкин.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Хўжайли темир йўл станциясига «Экосан» халқаро жамғармаси саломатлик поезди келди.

Саломатлик поезди Оролбўйи ҳудудидаги аҳоли учун 7,5 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари, дори-дармонлар, болалар учун озиқ-овқатлар, шунингдек Элликқалъа туманида қурилаётган «Орол болалари» соғломлаштириш ўромгоҳи учун қурилиш материалларини олиб келишди. Шу билан бирга саломатлик поезди тизимида Тошкентдаги даволаш муассасаларидан малакали шифокорлар келиб муҳтож беморларга тиббий ёрдамини кўрсатишмоқда. Заруф бўлган беморлар Тошкент клиникаларида бепул даволанишади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 10-ўрта мактаб томонидан 1996 йил 19 июнда Клара Абдуназарова номига берилган UZA №094195 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги АООТ «Авеста-Бунёдкор»
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Манзил: Жомий кўчаси, 5 уй.

БИТИРУВЧИЛАРГА

Бул Ватаннинг қошу кўзи,
Мижгонлари сиз бўлгайсиз.
Чеҳралари гулдай, кундай,
Хандонлари сиз бўлгайсиз.

Бу тонг оппоқ дафтардай,
Шаҳрим тўлди каптарларга,
Тизсам буни сатрларга,
Осмонлари сиз бўлгайсиз.

Бир мамлакат тиниқ кулгу,
Бир мамлакат севинч, орзу,
Бу ҳаётнинг гўзал аҳду
Паймонлари сиз бўлгайсиз.

Ёлғиз қолиб кетган чирой —
Мактабларингиз узра ой
Бу оқшом йиғлар ҳойнаҳой:
Армонлари сиз бўлгайсиз.

Китоблари кўксидаги...
Меҳр балққан сўзидаги,
Устозларнинг кўзидаги
Маржонлари сиз бўлгайсиз.

Кўксингизда баланд ору
Номус бўлса — бўлгай бари,
Бул Ватаннинг кўрар даврў
Давронлари сиз бўлгайсиз.

Йиллар ўтар турли-турли,
Умр йўли — қирли, ўрли
Ниятларнинг нурли-нурли
Нарвонлари сиз бўлгайсиз.

Кўрки бордир ҳар ниҳолнинг,
Ҳар боғдан бир ибрат олинг,
Илм олинг, ҳикмат олинг —
Келажакнинг, истиқболнинг
Кўрғонлари сиз бўлгайсиз.

■ **Сирожиддин САЙЙИД**

ХИКМАТЛАР

* Инсон тўғрилик билан улуғликка етади.

* Сўз билан саваланмагунча, бахилнинг қалби оқармайди.

* Нафсга эрк бермасанг, жонинг саломат бўлади.

* Тоғни қара, пўлат бағрига қадалмагунча, ичидаги нарсадан кўнгил узолмайди.

* Одам ўз элига яхшилик қилиш билан уларнинг улуғига айланади.

* Ҳар бир инсон уч нарсага уч кўз билан назар солиши лозим: одамларга такаббурлик кўзи билан эмас, камтарлик кўзи билан, ҳалолдан бойиган кишиларга ҳасад кўзи билан эмас, ибрат кўзи билан, хотин-қизларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан.

* Нодон одам олим кишининг қадрини билмаса, бунинг ажабланарли жойи йўқ.

* Нафсинг истагига рози бўлмасанг уни енгасан, бўлмаса у сени енгади.

* Бир неча нарса борки, амалга оширмаса фойда бўлмайди: айтилган сўз бажарилмаса ундан наф йўқ, тирикчилик учун фойдаланмаса, тўпланган бойликдан фойда йўқ, ўртада тенглик ва холислик бўлмаса, қилинган суҳбатда ҳузур йўқ, соғлик ва саломатлик бўлмаса, ҳаётдан завқ йўқ.

СПОРТ

ҲАР ГЎШАДА ЁШЛИК НАФАСИ

Яшилга бурканган, гуллар шаҳри Наманган шу кунлар байрамона кайфиятда. Боиси, мамлакат спорт ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб қоладиган «Универсиада — 2000» мусобақаси иштирокчилари спортнинг бир қанча турлари бўйича қизғин баҳсларга киришиб кетдилар. Югуриш йўлқалари, стадиону майдончалар, ҳар қачонгидан гавжум. Минглаб мухлислару спорт ошуфталарининг завқлари ошган.

Соғлом авлод йили теграсида ўтказилаётган бу спорт анжумани талаба ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий имкониятларини ўзига хос кўрикдан ўтказиш, улар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Ватанимизнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган талаба ёшлар ўз жамоалари мавқеини мустаҳкамлаш учун астойдил маҳорат кўрсатишга интилмоқдалар. Айниқса, футбол учрашувларига қизиқиш катта. Хусусан, Наманган университети футболчилари тошкентлик ва жиззахлик тенгдошларини 6:2 ва 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Хоразм университети ёшлари Жиззах политехника институти жамоасини 3:0 ҳисобида енгган бўлса, Қарши ва Самарқанд университетлари футболчилари ўртасидаги учрашув 2:0 ҳисобида тугади. Республика жисмоний тарбия институти спорт клуби сирдарёлик талабалардан (3:0) устун келишди.

Баскетбол мусобақалари ҳам муросасиз баҳсларга айланмоқда. Болалар ва ўсмирлар спорт мажмуида ўтказилаётган бу мусобақада Ўзбекистон миллий университети ёшлари термизликлар билан учрашиб, 51:25 ҳисобида зафар қучишди. Бухоро университети билан Жиззах политехника институти (76:18), жисмоний тарбия институти спорт клуби эса Қарши иқтисодиёт институти, Фарғона ва Тошкент педагогика институтлари жамоасини ютди. Бу учрашувлар йигитлар ўртасида ўтказилган бўлса, қизлар жамоалари баҳслари ҳам кўтарингки кайфиятда давом этди. Бу ерда жисмоний тарбия институти спорт клуби, Навоий, Самарқанд, Қорақалпоғистон, Андижон, Термиз талабаларининг қўллари баланд келмоқда. Шунингдек, волейбол, теннис, шахмат, енгил атлетика бўйича мусобақалар ҳам қизғин паллага кирмоқда.

Универсиада дастурига мувофиқ ёшларнинг бўш вақтлари мароқли ва мазмунли ўтишига эътибор қаратилган. Маданий-маърифий тадбирлар, шоирлар мушоираси, китобхонлар баҳси, қўшиқ-рақс кечалари уюштирилмоқда. Универсиада шаҳарчаси бўлиб турган «Чортоқ» оромгоҳида ўтказилган оқшомда эса шоирлардан Азим Суюн, Рустам Мусурмон, Дилбар Бону, Зиёвиддин Мансуров, Эрмамат Нурматов, Фарҳод Йўлчиев, санъаткорлардан Равшан Солиҳов, Раъно Ярашева ва бошқаларнинг чиқишлари ёшларда ажиб таассурот қолдирди. Бугун эса яна спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар давом этади.

■ **Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

Истиқлол тенгдоши Дилрабо Турсунова атак-чечак даврида — роса 4 ёшида мактабга бора бошлади. Ҳозир у Қарши туманидаги Қори Ниёзий номли 20-ўрта мактабнинг 4-синфини тугаллаб, синфдошларига нисбатан анча иқтидорли эканлигини кўрсатди. Бўш вақтларида шеърлар машқ қилади, бадиий китоблар ўқийди. Айниқса, хорижий тилларни қунт билан ўрганмоқда.

Суратда: *Дилрабо Турсунова синф раҳбари Зебо Тиловова билан.*

Абдурасул ПАРДА олган сурат

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

УМР ДЕГАНЛАРИ

Ҳаёт фалсафаси шундай, ҳар кимнинг яшаш ақидаси ўзигагина хосдай. Камолиддин аканинг эса фалсафаси: яхши яшаш, ҳалол яшаш эди. У умр бўйи шундай яшади. Оддий одамлар қатори далада ишлади. Қайсидир маънода у кишини «далада ишлади», дейиш бироз ноўрин туюлиши мумкиндир. Чунки у ўқимишли, зиёли эди.

... Водий аҳли азалдан ҳар қарич ернинг қадрини биладиган одамлар. Тупроқ тафтини сезиб яшашлариям шундан. Камолиддин Маҳмудов Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлади-да, Шаҳрихон туманидаги Т. Саримсоқов номли хўжаликда агрономликдан иш бошлади.

Изланувчан ёш мутахассис қишлоқ хўжалигини ўрганди, тажриба орттирди. Етук мутахассисга эса доим талаб бор. Уни 1962 йили Шаҳрихон туман қишлоқ хўжалик бошқармасига ишга таклиф этишди. Бу вазифада у беш йил ишлади. Лекин Камолиддин ака ҳамиша далага, қўриқ ерларни ўзлаштиришга ўзида рағбат сезарди. Бўзга отланди. Тумандаги «Дўстлик» хўжалиги ерларини ўзлаштиришда бош-қош бўлди. Ўзи шу хўжаликка анча йиллар раҳбарлик қилди. Сўнг, Улуғнор туманида, кейин Шаҳрихон тумани қишлоқ хўжалик бошқармасида ишлади. 1988 йилдан то умрининг охиригача агрономлик қилди.

Бир қарашда Камолиддин Маҳмудовнинг ҳаёт йўли бошқаларникидан кўпам ажралиб турмайди. Лекин бир жиҳати борки, уни ўзгалардан фарқли томони камтарлик. Камтарликни ҳаёт мезонига айлантира билишлик. Ҳа, у шундай яшади. Ўзидан яхши ном, яхши из қолдирди. Уч ўғил, уч қизи баҳоли қудрат эл корига ярайдиган фарзандлар бўлиб етишди. Ўғиллари Бахтиёржон соликчи, Ғайрат ва Шуҳрат эса фермер.

— Отамиз бизга ҳамиша комил инсон бўлинг, чунки етти пуштимиз ҳалол яшаган, сизларнинг ишларингизниям етти пуштингиз ғурур билан эслашсинлар, деганди — хотирлайди ўғли Бахтиёржон.

Камолиддин ака айни қирчиллама ёшида 1991 йилда оламдан ўтди. Лекин унинг эзгу ишлари эл кўнглида, шогирдлари қалбида қолди. Фарзандларига бир улкан мерос қолдирди. Комиллик. Комил инсон бўлиб яшашлик. Шундай одамлар эзгулик, яратиш учун яраладилар. Дунёда иймондан-да устун туйғу йўқлигини билиб, билдириб яшайдилар. Ва шуни ўзгаларга-да қолдириб кетадилар. Шу боис ҳам Камолиддин Маҳмудов каби яхши инсонлар ёд этилади.

■ **Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЧИСТОН» ЎЙЛАНМАСИ

Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атрофига: 1. Ой номи. 2. Россияда ишлаб чиқарилган енгил автомобиль русуми. 3. Ҳинд ва Жанубий Осиё аёллари либоси. 4. Тилнинг маълум ҳудудга хос тармоғи. 5. Вагон бўлмаси. 6. Сеҳр, мўъжиза. 7. Испаниянинг шимоли-шарқидаги дарё. 8. Амир Темур қўшининнинг ўрта қисми. 9. Давлатлараро расмий мурожаатнома. 10. Ер шарини қамраб олган газ қатлами. 11. Бинонинг юқорига чиқиш ва тушиш қисми. 12. Дипломатик вакиллик унвони. 13. Ғарбий Сибирь шимолидаги ярим орол. 14. Рангли металл. 15. Ҳамал ва жавзо оралиғидаги бурж. 16. Италиядаги футбол команда. 17. Уругвайда пул бирлиги. 18. Асосчиси М. Монтень бўлган публицистик насрий асар тури. 19. Дуккакдошларга мансуб дарахт. 20. Курилманинг айрим бўлаги. 21. Соҳиб Жамолнинг «Гули сиёҳ» романи қаҳрамони. 22. Модданинг ядро ва электронлардан иборат зарраси. 23. Юк автомобили қисми. 24. Афсонавий қуш. 25. Халқ шоири, бахши. 26. Ингичка баргли кўп йиллик гиёҳ. 27. Ўтмишда шариат бўйича иш кўрган амалдор. 28. Африкадаги пойтахти Ломе шаҳри бўлган давлат. 29. Спорт беллашувида ютуқ ҳисоби. 30. Миллий таом. 31. Табобат ашёси, кимёвий модда. 32. Ҳўл мева. 33. Яман давлати пойтахти. 34. Майдонда синалади. 35. Карбонат кислота тузи. 36. Барги шифобахш ўсимлик. 37. Миллий бош кийимига тақиладиган зийнат буюми. 38. Газлама тури. 39. Бадиий адабиётдан ёзма иш. 40. Ёқилғи тури.

ЭНИГА: 42. Торли миллий мусиқа асбоби. 44. Франция ва Швейцариядаги тоғлар. 45. Танаси қаттиқ дарахт. 47. Электрод саноати ашёси, маъдан. 48. Енгил шамол. 49. Раъно-дошлар туркумига мансуб ўсимлик. 51. Ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш мажмуи. 54. Отанинг акаукасини, жиянлар қандай атайди. 57. Дурадгорлик асбоби. 60. Таркибида кремний кислотасининг тузлари бўлган маъдан. 61. Юк ташиш анжоми. 62. Қадимда ундирилган ер солиғи. 63. Клавишли мусиқа асбоби. 65. XVI аср итальян файласуф шоири. 68. Отлар подаси. 71. Ип, ипак аралаш газлама. 74. Эркин Воҳидов ғазалидан:

«Не иложким, давлатим йўқ,
Ганжи меҳримдан бўлак,
Бул эваздин кўз тўлайдур
Қатра-қатра дур.... .... »

75. Икки кишининг бирор мавзудаги лапар ижроси. 76. Одат, анъана. 77. Ҳашарот. 78. Қадимда пойтахтдаги қаср. 79. Камёб чўл жонивори.

БЎЙИГА: 41. Зилзила кучини аниқлашда қўлланиладиган америкалик сейсмолог номи билан аталувчи шкала. 42. Айланма ҳаракатга асосланган тиғли асбоб. 43. Кавказдаги оромгоҳ. 44. Баланд, юқори сўзлари маънодоши. 46. Ташкилотлар ўртасидаги келишув ҳужжати. 48. Исм, атама. 50. Юнонча ҳарф. 52. Манзарали ўсимлик япроғига шакар қўшиб тайёрланадиган ширинлик. 53. Шимолий қутб ҳудуди. 54. Турли соҳадаги фаолияти билан танилган шахс. 55. Бразилия адиби. 56. Дуд, бўй. 57. Иш жонивори. 58. Муҳаммад пайғамбар саҳобаларидан бири. 59. Грузиядаги дарё. 63. Италиядаги энг узун дарё. 64. Коинот жисми. 66. Шохмот донаси. 67. Мўйнали жонивор. 69. Орзу, умид. 70. Йил фасли. 71. Серилдиз ўт. 72. Бирор касб тартиб-қоидаларига оид қўлланма. 73. От туслари-дан бири.

МУАММОНОМА:

жавоблар асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси эса ҳарф тартибини англатади) тааллуқли ҳарфлар билан almаштириб муаммономани ҳал этинг.

19-2; 40-1; 1-3; 6-3; 2-2; 21-2. 7-2; 3-4; 14-2. 4-1; 11-2; 15-4; 12-4; 9-1; 30-1. 13-3; 37-1; 10-4;38-3; 27-4; 8-4. 17-3;16-4; 24-2; 32-1; 31-4.

26-1; 39-1; 27-3; 72-2; 20-2. 13-1;4-1;47-4; 60-3. 29-3; 40-1; 75-2; 62-2; 33-1; 54-4.7-1; 51-2; 36-3; 71-4; 34-4; 35-4; 78-3; 40-1; 23-3; 67-3; 73-2; 46-5.

44-1; 11-1. 10-1; 68-2; 64-2; 72-5; 67-5. 59-4;50-2 ;68-1; 76-1; 73-4;65-4; 51-2; 52-6;71-4. 77-3; 61-5; 52-1;44-4. 18-3; 25-1; 43-3; 51-2; 71-1; 48-1; 57-2; 74-2. 28-1; 57-1; 49-2. 76-4; 64-2; 51-2; 55-1; 54-3; 5-4;67-4; 58-2; 63-4; 53-5; 65-1. 59-3; 58-5; 58-2; 63-1; 46-3; 41-2. 79-1; 54-1; 64-2. 52-7; 53-1; 46-5.

Улардан тўрт мисрадан иборат бўлган чистонни билиб олишга муваффақ бўласиз. Ана шу чистон жавобини топингчи!

■ **Фозилжон ОРИПОВ тузди**

ЖАВОБЛАР

ЧИСТОН:
Кўрдим бир ширин ажойиб саним,
Кўзим-яшим кўйдирак эзиқда кўрдим.
Юз хушма-нидрининг ишга солдимми,
Тор ўнга бекинб олишни яқин дедим!
Жавоб: Ҳанжон ишсиз.

Мўъаммономa

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат милли бўйича: 1. Март. 2. «Нина». 3. Сарп. 4. Шена. 5. Кўпс. 6. Жолу. 7. Эбро. 8. Каф. 9. Нота. 10. Хано. 11. Зина. 12. Зрчи. 13. Ялаг. 14. Хром. 15. Сапр. 16. «Рома». 17. Песо. 18. Эсес. 19. Акас. 20. Блок. 21. Ампл. 22. Атом. 23. Бопт. 24. Анко. 25. Окиш. 26. Кюек. 27. Коэн. 28. Торо. 29. Охко. 30. Умоч. 31. Бром. 32. Анор. 33. Ацан. 34. Мapл. 35. Соца. 36. Сано. 37. Жила. 38. Шопи. 39. Ниппо. 40. Ўтин.

ЭНИГА: 42. Пирна. 44. Юра. 45. Дуб. 47. Рутил. 48. Насим. 49. Бритт. 51. Арраф. 54. Амаки. 57. Омбур. 60. Силикат. 61. Обкашл. 62. Ўтмон. 63. Пианино. 65. Бруно. Пилки. 71. Ацрас. 74. Хирож. 75. Ампш. 76. Рсеув. 77. Апи. 78. Арк. 79. Кулон.

БЎЙИГА: 41. Рихтер. 42. Парма. 43. Ацлер. 44. Юксак. 46. Битим. 48. Ном. 50. Тау. 52. Гуманит. 53. Арктика. 54. Арбоб. 55. Амаду. 56. Ис. 57.От. 58. Бипол. 59. Рионн. 63. По. 64. Ой. 66. Рух. 67. Норка. 69. Истак. 70. Киш. 71. Аждик. 72. Рисола. 73. Саман.



«МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР ТАНЛОВИ (ТЕНДЕРГА МАРҲАМАТ)»

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қашқадарё вилояти 8-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси буюртмачилигида 2000 йилда қуриладиган иншоотлар учун керакли материаллар ва асбоб-ускуналарни пудрат савдоси (тендер) орқали сотиб олади.

Пудрат савдоси (тендер)да мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин.

1.	НАСОС СНПЭ-500/10	2 дона
2.	НАСОС ЦНС-60/132	8 дона
3.	Клапан Д-1000	2 дона
4.	НАСОС ЭЦВ-8-25-100	2 дона
5.	Эл. двигатель 45 квт. 1500 об/мин.	1 дона
6.	Эл. двигатель 630 квт. 1500 об/мин. 4 А-400-4У3	1 дона
7.	Трансформатор 2ГКТП 400/10	2 дона
8.	Трансформатор 2ГКТП-630/10	1 дона
9.	Трансформатор ТМ 400/10	1 дона
10.	Трансформатор ТМ 360/10	1 дона
11.	Задвижка Д-400 30247 БР	2 дона (30ч.47 БР)
12.	Электрод перем. тока	2 тн
13.	Кабель АВВГ (АПВГ) 4х150	500м
14.	Тиристорное возбудительное устройство ТЕ8-320-75т-5У4 с трансформатором ТОЗВ	1комп.

Мурожаат учун манзил: Карши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 58-уй, 13-трест биносида жойлашган пудрат савдолари (тендерлар) ни ташкил этиш бўйича хўжалик ҳисобидаги Республика бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиали. Тел/факс: 8 (37522) 4-46-37

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2000 йил 21 июнь куни соат 10⁰⁰да ўтказиладиган навбатдаги

Аукцион савдоларга таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Қибрай тумани «Элевер Зигота ЛТД»да жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 19 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 78000 сўм.

2. Чирчиқ шаҳри Еделькина кўчасида жойлашган сатҳи 400 кв.м. бўлган 1 та ер майдони, бошланғич нархи — 106720 сўм.

3. Пскент шаҳрида жойлашган сатҳи 400 кв.м. бўлган 1 та ер майдони бошланғич нархи — 48720сўм ва сатҳи 600 кв.м. бўлган 1 та ер майдони, бошланғич нархи — 73080 сўм.

4. Пскент тумани «А. Дўстбеков» ж/х Дўнгқўрғон қишлоғида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 3 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 52200сўм ва сатҳи 400 кв.м. бўлган 4 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи —34800 сўм.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел.: 133-28-52, факс: 133-49-31.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши жамоаси жамият ходими Искандар Максудхожаевга оналари

МУАЗЗАМ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Мирбахтиёр Мирфайзиев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.20

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА